

ТАШҚИ САВДОНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ
МЕХАНИЗМЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Соатов Санжар Сарварович

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Фискал институти мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда ташқи савдони тартибга солишда қўлланиладиган асосий молия механизмлари ва жаҳон амалиётида фойдаланиладиган замонавий молия механизмлари ўзаро солиштирилган ҳолда илмий таҳлил қилинган ҳамда таклиф ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Ташқи савдо айланмаси, ташқи савдо баланси, божхона божи, акциз солиғи, божхона йиғимлари, тариф квотаси, мавсумий бож, алоҳида бож, алтернатив ставка, аралаш ставка.

Аннотация: В данной статье научно проанализированы основные финансовые механизмы, используемые при регулировании внешней торговли в Узбекистане, и современные финансовые механизмы, используемые в мировой практике, и даны предложения и выводы.

Ключевые слова: Внешнеторговый оборот, внешнеторговый баланс, таможенная пошлина, акциз, таможенная пошлина, тарифная квота, сезонная пошлина, специальная пошлина, альтернативная ставка, смешанная ставка.

Маълумки, ташқи савдони тартибга солишда фойдаланиладиган молия механизмлари молиявий маблағларни шакллантириш ва ТИФ қатнашчиларини рағбатлантириш каби воситаларига асосланган ҳолда бир қанча таркибий қисмларга бўлинади. Ушбу таркибий қисмларни қўлланилиши бўйича жорий ҳолатни таҳлил қилиш ва Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди каби ташкилотлар томонидан ташқи савдони тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган стандартлар асосида баҳо бериш ҳамда зарур тузатишлар киритиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Шунга кўра, ташқи савдони тартибга солишда қўлланиладиган молия механизмларини қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин⁷⁴:

1. Тариф усулида тартибга солиш:
 - 1.1. Божхона божлари;
 - 1.2. Тариф квотаси.
2. Нотариф усулида тартибга солиш:
 - 2.1. Қўшилган қиймат солиғи
 - 2.2. Акциз солиғи;
 - 2.3. Божхона йиғимлари;

⁷⁴ Киреев А.Л. Международная экономика. В 2\ ч. Ч. I. Международная макроэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебное пособие для вузов. -М.: Междунар. отношения, 2000. С. 200.

2.4. Божхона қийматини назорат қилиш.

Ташқи савдони тариф орқали тартибга солиш кўпроқ чет эл рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Тарифларни ўзгариши ички ишлаб чиқаришга таъсир этади. Чунки тариф товарларни импортини тартибга солади. Тарифнинг пасайиши чет эл рақобатчиларини миллий ишлаб чиқарувчиларга босимини кўпайтиради. Шунга кўра, ташқи савдони тариф орқали тартибга солиш нафақат ички борни ҳимоя қилади, балки миллий ишлаб чиқарувчиларни нарх ва сифат жиҳатидан рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарилишига ундовчи восита вазифасини ўтайди.

Ташқи савдони тариф орқали тартибга солишнинг асосий бўғинларидан бири бу божхона божи бўлиб. божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари учун ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси асосида белгиланади. Божхона божининг аниқ ставкаси, муайян бир товарни божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқишда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 290-моддасига асосан қуйидаги бож турлари қўлланилиши кўрсатиб ўтилган:

1. Импорт
2. Экспорт
3. Алоҳида (махсус, антидемпинг ва компенсация)
4. Мавсумий

Божхона божлари, асосан, учта функцияни бажаради:

- фискал, яъни импорт ва экспорт божлари орқали давлат бюджетининг даромадлар қисми тўлдирилади;

- протекционистик (ҳимоя) импорт божи орқали давлат ўзининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини кутилмаган рақобатдан ҳимоя қилади;

- мувозанатлаштирувчи, агарда айрим товарлар жаҳон бозорларидаги нархларидан паст бўлса, экспорт божлари орқали экспорт қилиш мумкин бўлмаган товарларни четга чиқиб кетишининг олдини олишда ишлатилади.

Божхона божларининг синфланиши:

Божхона божларининг синфланиши.

Ундирилиш усулига кўра	Хос	Адвалор	Аралаш
Ундирилиш объектига кўра	Импорт	Экспорт	Транзит
Тавсифланишига кўра	Мавсумий	Демпингга қарши	Компенсацион
Келиб чиқишига кўра	Автоном	Конвенцион	Преференциал
Ставкаларнинг турлари бўйича	Доимий	Ўзгарувчан	-
Ҳисобланишига кўра	Номинал	Самарали	-

Ундирилиш усулига кўра:

- адвалор– товарнинг божхона қийматидан фоизда ҳисобланиб, ундирилади (мисол учун товарнинг божхона қийматидан 20 фоизи миқдорида);

- специфик (хос) – товар бирлигидан, ўрнатилган тартибда, ундирилади (мисол учун ҳар бир дона товар учун 10 доллар ёки метр кубидан 10 доллардан);

- Аралаш ставка – божхона тўловлари ставкаларининг адвалор ва хос турларини ўз ичига оладиган ставка бўлиб қуйидаги турларга бўлинади:

Алтернатив ставка – товар учун белгиланган адвалор ҳамда хос ставкалар бўйича ҳисобланган қийматнинг максимали ёки минимали олинади.

Комбинацион ставка – аралаш ставканинг бир тури бўлиб, бунда товар учун белгиланган адвалор ва хос ставкаларнинг иккаласи бўйича ҳам божхона тўловлари ҳисобланиб, ундирилади.

Адвалор божлар асосида тўловларни ундириш қолган специфик ва аралаш усулга қараганда анча кенг қўлланилади. Бунинг сабабларидан бири шундаки, уларни жамлаш ва солиштириш осонроқ ва божхона тўловларини тўғри ва тўлиқ ундирилишида шаффофликни таъминлайди. Шу билан бирга, импорт божини ҳисоблашда адвалор ставкаларни белгиланиши, мамлакатларни тариф мажбуриятлари бўйича музокаралар олиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатда қўлланилаётган бож тариф даражасини бошқа давлатлар билан солиштиришда ўртача тарифлардан фойдаланилади. Ўртача тариф қуйидаги икки турга бўлинади:

- оддий ўртача тариф;
- тортилган ўртача тариф.

Оддий ўртача тарифда ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасида (кейинги ўринларда ТИФ ТН) субпозиция бўйича нечта товар бўлса ва ҳар бир товарга белгиланган ставкалар қўшилади ҳамда жами товарлар сонига бўлинади. ТИФ ТНнинг 2017 йил версиясида субпозиция бўйича жами товарлар сони 5052 та бўлса, ушбу товарларга нисбатан оддий ўртача тарифни қуйидагича ҳисоблаш мумкин (1.1-формула):

$$O_{\text{ўт}} = \frac{5_1\% + 15_2\% + 0_3\% + \dots + 10_{5052}\%}{5052} \quad (1.1)$$

$O_{\text{ўт}}$ = Оддий ўртача тариф

Ушбу ҳисоблаш турининг камчилиги шундаки ТИФ ТНда субпозиция бўйича барча товарлар бўйича белгиланган ставкалар ҳисобланади. Ушбу ҳисобланган товарлар таркибида ҳақиқатда импорт бўлмаган товарлар ҳам бўлади.

Тортилган ўртача тарифда ҳақиқатда импорт бўлган товарларнинг божхона қиймати асосида божхона божи ҳисобланади ва барча товарлар бўйича қўшиб чиқилади. Шундан сўнг чиққан натижани жами божхона қийматига нисбати олинади (1.2-формула).

$$T_{\text{ўт}} = \frac{A_{\text{БҚ}} 5_1\% + B_{\text{БҚ}} 15_2\% + C_{\text{БҚ}} 0_3\% + \dots + D_{\text{БҚ}} 10_{5052}\%}{A_{\text{БҚ}} + B_{\text{БҚ}} + C_{\text{БҚ}} + \dots + D_{\text{БҚ}}} \quad (1.2)$$

$T_{\text{ўт}}$ - Тортилган ўртача тариф;

$A_{\text{БҚ}}, B_{\text{БҚ}}, C_{\text{БҚ}}, D_{\text{БҚ}}$ - импорт товарлари бўйича божхона қиймати.

Жаҳон савдо ташкилоти томонидан тортилган ўртача тариф асосида мамлакатнинг бож тариф сиёсатига баҳо беради. Бунинг асосий сабабини қуйидаги жадвалда яққол кўриш мумкин (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Ихтиёрий олинган маълумотлар асосида мамлакатлар бўйича тариф ставкаларини солиштириш жадвали⁷⁵

Давлатлар номи	1-товар		2-товар		3-товар		Жами бож.қийм.	Оддий ўртача тариф	Тортилган ўртача тариф
	Бож.қийм (1000 \$)	Тариф	Бож.қийм (1000\$)	Тариф	Бож.қийм (1000 \$)	Тариф			
АҚШ	1000	0	670	40	10	5	1680	15,0	15,98
Россия	607	50	670	40	10	5	1287	31,7	44,44
Қозоғистон	368	100	670	40	10	5	1048	48,3	60,73
Туркменистон	223	150	670	40	10	5	903	65,0	66,78
Германия	135	200	670	40	10	5	815	81,7	66,07
Испания	82	250	670	40	10	5	762	98,3	62,14
Франция	50	300	670	40	10	5	730	115,0	57,33
Миср	30	350	670	40	10	5	710	131,7	52,61
Италия	18	400	670	40	10	5	698	148,3	48,78
Хитой	11	450	670	40	10	5	691	165,0	46,02
Япония	7	500	670	40	10	5	687	181,7	44,18

Юқоридаги жадвалда фақат биринчи товарга нисбатан божхона божи ставкалари ва импорт қиймати ўзгартирилган. Бундан асосий мақсад тортилган ўртача тариф ва оддий ўртача тариф кўрсаткичларига умумий баҳо бериш ҳисобланади. Иқтисодий назарияга кўра импорт товарларига қанчалик тариф ставкаси оширилса, импорт қиймати ҳам шунга монанд камаяди. Ушбу тамойилни асос қилган ҳолда 1-жадвалдаги биринчи товарга нисбатан тариф ставкаси ўсиб бориш тартибида, импорт қиймати эса камайиб бориш тартибида жойлаштирилди. Шунга кўра, қанчалик тариф ставкаси кўтарилса, оддий ўртача тариф кескин кўпайганлигини кўриш мумкин. Тортилган ўртача тарифни ҳисоблашда эса, импорт қийматини ҳам инобатга олинган ҳолда ўртача тариф ставкасига баҳо берилган. Масалан, Хитойда биринчи товарга нисбатан 450 бўлган вақтда, оддий ўртача тариф 165 фоизни ташкил қилган, тортилган ўртача тарифда эса импорт қиймати камлиги ҳисобига 46,02 фоизни ташкил қилган. Жаҳон амалиётида тортилган ўртача тариф асосида мамлакат бож тариф ставкасига баҳо берилади.

Специфик (хос) ва аралаш усулда божхона ставкаларни маҳсулотлар бўйича солиштириш қийинроқ, чунки улар маҳсулот ўлчанадиган бирликларга боғлиқ. Бироқ, ЮНКТАД томонидан мамлакатларнинг ўртача адвалор ставкасини

⁷⁵ Муаллиф томонидан ихтиёрий олинган маълумотлар асосида тайёрланди.

солиштириш мақсадида, специфик ва аралаш усулда божхона ставкаларни адвалор эквивалентини ҳисоблаш бўйича методология ишлаб чиқилган⁷⁶.

Импорт “А” товарига специфик усулда белгиланган ставкани адвалор эквивалентига айлантириш учун ушбу белгиланган хос ставкани “А”товарнинг бир бирлик қийматига нисбати олинади ва фоиз кўрсаткичларига айлантириш учун 100 га кўпайтирилади (1.3-формула).

$$T_{adv} = 100 * \frac{C_{ст}}{I_{бк}} \quad (1.3)$$

T_{adv} - эквивалент адвалор ставка, $C_{ст}$ - специфик ставка, $I_{бк}$ - импорт товарининг бирлик қиймати.

Мисол учун бир бирлик қиймати 1 АҚШ доллар бўлган шоколад маҳсулоти учун 0,35 АҚШ доллар/кг этиб хос ставка белгиланган. Ушбу товарнинг адвалор эквиваленти 35 фоиз бўлади.

Ушбу усул бир қарашда осон кўринади, бироқ импорт товарининг бир бирлик қийматини аниқлашда турли субъектив ёндашувлар, товарнинг сифати каби омиллар мураккабликни келтириб чиқаради.

Шунга кўра, ЮНКТАД томонидан хос ставкадаги товарнинг адвалор эквивалентини аниқлашда бир бирига боғлиқ бўлган қуйидаги 4 та усулни таклиф этади:

1-усул: Импорт товарларини подсубпозицияси бўйича ўртача бир-бирлик қийматини олиш. Агар ТИФ ТНнинг 10 талик коди (подсубпозиция) бўйича маълумот бўлмаса, 2-усул амалга оширилади.

2-усул: Импорт товарларини субпозицияси бўйича ўртача бир-бирлик қийматини олиш. Агар ТИФ ТНнинг 6 талик коди (субпозиция) бўйича маълумот бўлмаса, 3-, 4-усул амалга оширилади.

3-усул: Импорт товарлари агар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлса, унинг бир-бирлик қиймати Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлардаги нархлар асосида олинади.

4-усул: Импорт товарлари агар қишлоқ хўжалиги бўлмаган маҳсулот бўлса, у ҳолда Жаҳон савдо маркази томонидан ишлаб чиқилган МАСМАР⁷⁷ дастури орқали фоиз кўрсаткичларига аниқлик киритилади.

Импорт товарларига юқорида кўриб ўтилган тариф ставкаларининг қайси бири белгиланишидан қатъий назар уларга оптимал тариф ставкаси белгиланиши лозим. Фикримизча, оптимал тариф ставкасини қуйидагича изоҳлаш мумкин: “Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти каби халқаро ташкилотларнинг талабларини инобатга олиб, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсирини баҳолаган ҳолда аниқланган ҳамда

⁷⁶ Wojciech Stawowy Calculation of ad valorem equivalents of non-ad valorem tariffs - methodology notes, UNCTAD – 2001. P.11

⁷⁷ Ушбу дастурнинг расмий сайти – URL: <https://www.macmap.org/>

иқтисодиёт ривожланишининг юқори даражада бўлишини таъминлайдиган тариф даражасидир”.

Оптималь тариф ставкаси шундай белгиланиши керакки, бунда паст ёки ўрта даражада иқтисодий ўсиш кузатилаётган мамлакатларда оптималь тариф ставкалари белгиланиши билан иқтисодий тараққиётга максимал тарзда ижобий таъсир этиши лозим. Яъни, белгиланган тариф ставкалари импортёрларга ҳеч қандай тўсиқ туғдирмайди, натижада импорт ҳажми ўзгармайди, фақат давлат бюджетига қўшимча маблағ манбаи бўлиб хизмат қилади. Оптималь тариф ставкаларини белгиланиши мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини энг юқори даражага кўтаради. Тариф ставкалари номақбул белгиланиши, яъни кўплаб товарларга юқори ставкаларда бўлиши иқтисодий йўқотишларга, эришилаётган ютуқларни кескин камайишига замин яратади. Бунда белгиланган номақбул тариф ставкалари тақиқловчи характерга эга бўладики, мамлакатга товарларни импорт қилиш ўзининг иқтисодий мазмунини йўқотади.⁷⁸

Олиб борилган таҳлилларга кўра импорт қиймати оптималь тариф ставкаси билан кучли боғланишга эга эмас. Яъни белгиланган ставкалар импорт қийматига таъсир қилмайди. Бироқ, номақбул ставкаларнинг белгиланиши натижасида импортнинг эластиклиги пасайишига олиб келади. Айрим ҳолатларда импортнинг эластиклиги узоқ муддатда юқори бўлганда оптималь тариф нолга тенг бўлади, яъни уни киритишнинг зарурияти қолмайди; оптималь тариф бир мамлакатни ютуққа олиб келса, бошқа мамлакатни йўқотишларга олиб келади, чунки оптималь тариф фойдаларнинг бир давлатдан иккинчи бир давлатга кўчиб ўтишида асосий восита ҳисобланади.

Кўшилган қиймат солиғи - билвосита солиқ тури бўлиб, Ўзбекистон Республикасига импорт қилинаётган (олиб кирилаётган) товар учун божхона органлари томонидан ундирилади. Олиб кирилаётган товар учун ҚҚС суммасини ҳисоблашда мазкур товар бўйича аниқланган божхона қийматига олиб кирилаётганда тўланиши лозим бўлган божхона божи суммаси ва акциз солиғи суммаси қўшилади ва йиғинди ҚҚС ставкасига кўпайтирилади (1.4-формула).

$$C_{\text{ҚҚС}} = (B_{\text{к}} + C_{\text{ИБ}} + C_{\text{АС}}) * N \quad (1.4)$$

Бу ерда $C_{\text{ҚҚС}}$ - ҚҚС суммаси, $B_{\text{к}}$ - божхона қиймати, $C_{\text{ИБ}}$ - божхона божи суммаси, $C_{\text{АС}}$ - акциз солиғи суммаси, N - қўшилган қиймат солиғининг фоиздаги ставкаси.

Акциз солиғи - товар баҳосига кирадиган ва сотиб олувчи, яъни харидор томонидан тўланадиган билвосита солиқ. Кенг оммавий истеъмол товарлари баҳосига қўйиладиган устама ҳақни ифода этади. Акциз қадимги Римда пайдо бўлган ва бу солиқнинг номи ўша даврдан қолган. ХВИИ-ХВИИИ асрларда

⁷⁸ Киреев А.П. Международная экономика. - 1 часть. -М.: Международные отношения, 1997. -С. 415.

Нидерландия, Англия, Германия ва бошқа мамлакатларда давлат бюджетининг энг муҳим манбасига айланган.

Дунё амалиётида акциз солиғи дастлаб туз, шакар, тамаки, спиртли ичимликлар, гугурт каби маҳсулотларга кенг қўлланилган. Ҳозирги пайтда акцизга тушадиган товарларнинг рўйхати анча кенгайди, кўпгина мамлакатларда автомобилларга, холодильникларга, атторлик молларига, шунингдек кенг эҳтиёж хизматларига: телефон хизматлари, кинофильмлар намойиши, транспорт воситасида юк ташиш суғурталарига қўшимча акцизлар киритилди. Акциз солиғи бу товарларнинг баҳосига қўшиладиган эгри солиқдир. Акциз солиғи, импорт товарларидан олиниши билан бир қаторда, мамлакат ҳудудида ишлаб чиқариладиган товарлардан ҳам ундирилади. Импорт товарларидан ундириладиган акциз солиғи, иқтисодий нотариф усуллардан бири бўлиб, у ички бозорда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий товарларга импорт товарлари билан рақобатлаша олиши учун тенг шароит яратиб беради. Шу билан бирга, импорт товарларидан ундириладиган акциз солиғи давлат бюджетининг даромад қисмини тўлдирувчи манбалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари ташқи савдо дастаклари тариф ва нотариф усуллари орқали тартибга солишнинг тажрибалари кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётига тарифлар киритилишидан мақсад, биринчидан, миллий ишлаб чиқаришнинг эндигина шаклланаётган тармоғини ҳимоя қилиш бўлса, иккинчидан, тенг рақобат муҳитида импортни расмийлаштириш, давлат хазинасини тўлдиришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Киреев АЛ. Международная экономика. В 2\ ч. Ч. I. Международная макроэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебное пособие для вузов. -М.: Междунар. отношения, 2000. С. 200.
2. Wojciech Stawowy Calculation of ad valorem equivalents of non-ad valorem tariffs - methodology notes, UNCTAD – 2001. P.11
3. Жаҳон савдо марказининг расмий сайти – URL: <https://www.masp.org/>
4. Киреев А.П. Международная экономика. - 1 часть. -М.: Международные отношения, 1997. -С. 415.